ЁЗУВЧИНИНГ СЎЗ ТАНЛАШ САНЪАТИ

З. Умурқулов

Мақолада ёзувчи Эркин Аъзамнинг сўз қўллаш маҳорати, хусусан, сўзга муайян контекст доирасида янги маъно оттенкаларини юклаши, ўзи истаган маънони ифодалашга йўналтириши каби жиҳатлар ёритиб берилган.

***Калит сўзлар**: бадиий матн, сўз қўллаш, умумхалқ тилидаги маъно, янги контекстуал маъно, матн яратиш.*

В статье освещено мастерство Эркина Агзама в использовании слова, в частности, придание слову новейшего контекстуального значения, подчинения слова в каждом случае выражению желаемого значения.

***Ключевые слова**: художественный текст, значение в общенародном языке, новое контекстуальное значение, создание текста.*

The article throws light to Erkin Azam's skill in using the word as well as new contextual meaning of the word, submission of the word to the expression of the desired meaning in every case.

***Key words**. Skill of the writer, new contextual meaning, skates of meaning, literary text, use of the word, creative of the text.*

Бадиий матннинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири сўзнинг жилодорлигидир. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, сўз жилодорлиги, сўзлардаги бир тушунчанинг турли даражасини ифодалаш, сўзнинг кўпмаънолилиги, маънонинг турли муносабатлар асосида ифодаланиши кабилардан иборат. Шу билан бир қаторда, бадиий матнда сўз тилдаги муайян маъносидан фарқли равишда бутунлай бошқа маънони ифодалайдики, бу ҳолат сўзни жилодорлигини янада кучайтиради. Бадиий ижодда сўзнинг ана шундай ранг-баранг хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланиб, матннинг бадиий таъсирдорлигини уюштирувчи ижодкорлардан бири ёзувчи Эркин Аъзамдир.

Э.Аъзам асарларига хос хусусиятлардан бири фикрнинг тил жиҳатдан содда, ихчам, халқона руҳда баён этилишидир. Шу боисдан ёзувчи асарларининг тили хусусида фикр юритилганда, биринчи навбатда ёзувчи тилининг умумистеъмол, ҳамма учун мос ширали ва оддий тилда эканлигини таъкидлаш жоиз. Асарларида дабдабали, кўтаринки руҳдаги ифодалар эмас, балки оддий халқ услубидаги баёнларнинг устунлиги ёзувчи тилининг халқ тилига яқин эканлигини кўрсатади. Бироқ ёзувчининг ўзига хос ифода усули асарлари тилининг ўта ширали, ташбеҳларга бой, таъсирдорлигини таъминлаган. Ана шундай таъсирдор тилни яратишда ёзувчининг сўз танлаш ва уни қайси маънода қўллай билиш маҳорати қўл келган. Масалан, «Тавба, бўлмаса, мен бир, далавой деҳқонга ким қўювди шоирликни, ҳай, аҳмоқ каллага келган ул-булни қоралаган бўлсак қоралагандирмиз». («Ёзувчи») гапи ёзувчиликка ҳавас қилиб, бировга китоб чиқартирган, кейинчалик эса бу ишидан норози бўлган киши томонидан айтилган. Фикрнинг бу тарзда ифодаланиши, ундаги «далавой деҳқон», «аҳмоқ каллага келган ул-булни қораламоқ» ифодалари сўзловчининг маънавиятини гавдалантириши билан биргаликда ёзувчи тилининг халқоналигини таъминлаган.

Э.Аъзамнинг сўздан фойдаланишдаги маҳоратини кўрсатувчи муҳим ҳолат сўзнинг ўзи истаган маънони ифодалаш сари йўналтирилишидир. Ёзувчи халқ тилининг нозик маъно ифодалаш имкониятларидан унумли фойдаланиш асосида янги маъно ҳосил қилган ва бадиий таъсирчанликни кучайтирган. Масалан, умумхалқ тилида мавжуд бўлган бир ҳовуч, бир тутам сўзларида миқдорнинг меъёрдан камлиги маънолари мавжуд. Ёзувчи ушбу сўзлардаги нозик маъно бўёқларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги гапларда «бир неча киши», «кам маош» маъноларини худди шу сўзлар ёрдамида ифодалаган. Бир вақтлар юзлаб одам ишлаб, гуруллаб турган нашриёт кўз очиб юмгунча бир ҳовучгина жамоа жон сақлайдиган ғариб бир чиллахонага айланиб қолди («Ёзувчи»). Маълумки, бир ҳовуч сўзи ҳовучга олинадиган нарсаларга нисбатангина ишлатилиб, камликни билдиради. Шу камликни билдириш белгисига асосланган ҳолда ёзувчи бу сўзни «бир неча киши» маъносида қўллаб, бу сўзнинг жилодорлигини намоён қилган. Ёки сарсон бўлиб ҳар куни ишга қатнаб юрмайсиз, бир тутам маошга кўз тикиб, раҳбариятнинг қош-қавоғини пойламайсиз.

(«Ёзувчи») гапида эса «кам маош» маъноси бир тутам сўзи орқали ўз ифодасини топган.

Ёзувчи матн яратишда ранг-баранг усуллардан фойдаланади. У матннинг ихчам ва содда бўлишини таъминлаш билан бир қаторда матндаги сўзнинг маъно жиҳатдан жилодорлигини ҳам таъминлайди. Ёзувчининг матндаги муайян сўзга нозик маъно ифодалаш вазифасини юклаганлигини кўплаб мисоллар орқали кузатиш мумкин. Масалан, Кимнинг ҳамёни ғозлироқ бўлса, қўлидан келадими, йўқми китоб ёзиш, китоб ясаш пойгасига киришди («Ёзувчи»). Ушбу гапдаги ҳамёни ғозлироқ, китоб ясаш, пойга сўзлари диққатни жалб этади. Бир қарашда улар оддий сўзларга ўхшайди, гўё матннинг бадиий руҳига таъсир қилмайдигандек. Аслида эса ундай эмас. Бу сўзлар ёзувчи ифодаламоқчи бўлган фикрнинг моҳиятини очиб берувчи, шу асосда бадиийликни вужудга келтирувчи воситалардир.

Ёзувчи ҳамёни ғозлироқ сўз бирикмаси орқали пул ёрдамида иш бажарувчиларни, яъни бировларга китоб ёздириб, ўз номидан нашр этувчиларни ифодаласа, китоб ясаш бирикмаси орқали «бундай китоблар аслида китоб даражасида эмаслигини», пойга сўзи орқали эса шу ишни бажарувчилар кўпайиб кетганлигини ифодалаган. Матндаги ҳар учала тил воситаси индивидуал маъно ифодалаш сари йўналтирилган, натижада ёзувчи ифодаламоқчи бўлган фикрнинг бадиий бўёқдорлигини уюштирган.

Сўзнинг турли маъноларни ифодалаши асар бадииятини кучайтирганини қуйидаги мисоллар орқали ҳам кузатиш мумкин: содиқ фуқаро (Аммо, ўринсиз андишани четга қўйиб гапирганда, у майдонда от суриб юрган донгдор отахону акахонларнинг кўпчилигига нисбатан асл адабиётга яқинроқ, ҳатто унинг содиқ фуқароси эди «Ёзувчи»), ёввойи базм (Олдинда куз нишона бериб келар, кечалари салқин, бундай ҳавода қийқириб чўмилишу ёввойи базм қуришларга бало борми, деган хаёлга борар эди ўзича. «Ёзувчи»), қашшоқ завқ (Элчиев бу қалтис сарҳисобда алам-надомат билан шунга амин бўлдики, қашшоқ завқдан бебаҳра яшабди. «Жавоб»). Келтирилган гаплардаги содиқ фуқаро, ёввойи базм, қашшоқ завқ каби сўз бирикмалари ёзувчи услубига хос ифода воситасига айлангани учун мазкур матнларда ўзгача маъно ифодалаб, фикрнинг таъсирчанлигини оширишга ёрдам берган. Содиқ фуқаро сўз бирикмаси ёзувчининг индивидуал услубига хос бўлиб, бу бирикма орқали бирор ишни бажариш учун ўзини бағишлаганлик, шу ишни ўзининг муҳим касби қилиб олганлик, шунинг учун ҳам шу йўлда ўзини бағишлаганлик ифодаланган. Ушбу маъно содиқ сўзи орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бироқ ёзувчининг мақсади содиқликни ифодалаш эмас, балки муайян вазифани жон-дилидан севиб бажарувчини кўрсатишдир. Шу ишни бошқаларга нисбатан яхшироқ бажарувчини кўрсатишдир. Ана шу маъноларни бадиий тарзда ифодалаш учун ёзувчи содиқ сўзи ёнида фуқаро сўзини қўллайди ва фикрнинг ёрқин, жилодорлигини уюштиради.

Эркин Аъзам ҳаётни бутун мавжудлиги билан акс эттирувчи ижодкордир. У борни бор, йўқни йўқ сифатида, яхшилигу ёмонликни ўз моҳияти билан тасвирлайди. Шу ҳолатларни ифодаловчи лингвистик воситаларни топади. Бинобарин, ҳаддан ташқари ёқимсиз қилиқлару қийқириқлар асосидаги базмларга нисбатан ёввойи базм иборасини қўлласа, ҳаёт неъматларидан бебаҳра яшаганликни қашшоқ завқ ибораси орқали ифодалайди. Бу ҳолат ёзувчининг тилнинг чексиз имкониятларини яхши англаганлигини ва ундан ўз ижодида маҳорат билан фойдалана олганлигини кўрсатади.

Ёзувчи асарларидан келтирилган матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, Эркин Аъзам ўз асарларида сўзларнинг шунчаки, умумхалқ тилидаги маъноларидан фойдаланмайди, балки сўз воситасида янги маъноларни ифодалаш орқали тилдаги сўзларда чексиз имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Натижада сўз янги маъно ифодалаб, асар таъсирдорлигини таъминлаганидек, ўта нозик фикр ифодалаш имкониятини ҳам вужудга келтиради.

Адабиётлар:

1. Каримов С. Бадиий матннинг услубий аломатлари. – Самарқанд, 1992.
2. Қиличев Э.Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Т.: Фан, 1983.
3. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари.– Т., 2002.

Термиз давлат университети,
2017 йил 29 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. З.Қодиров)